

g

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHONSEN SEN

23
(1081)
7-iyun
2013
www.xabar.uz
info@xabar.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



wiFi худудига марҳамат!

Мен таҳсил олаётган олий таълим муассасасида Wi-Fi технологияси асосида интернетдан фойдаланиш имконияти бор. Унга уланиш учун бор-йўғи паролни — 12345678 сонларини териш kifoya. Энди талабалар ўртасида уяли алоқа телефонни кўтариб юриш оддий ҳолга айланди, ноутбук, нетбуكلар ва планшетлар урфга кирди. Wi-Fi технологияси орқали глобал тармоқдан фойдаланиш учун истасак телефондан, истасак "ён компьютерлар" (ноутбук, нетбук)дан фойдаланамиз. Глобал тармоққа кириш учун на модем, на бошқа технологияларнинг зарур эмаслиги Wi-Fiнинг аҳамиятини яна бир қарра оширади. Ҳатто тушлик ёки танаффусдаги вақтларимиз ҳам самарали сарфланиб, дунё билимлари омбори (интернет) орқали билимларимизни янада бойитиб бораёмиз. Кутубхоналарда ҳам Wi-Fi бизнинг хизматимизда. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўқув залларида, интернетга уланган замонавий компьютерлар билан бирга, Wi-Fi худудининг мавжудлиги биз учун аини муддаодир. Бугун ана шу қулайликларни тақдим этаётган Wi-Fi ҳақида тўхталишни лозим топдик.

5-бет

Алоқа оламида

Сингапурнинг Наяна технология университети тадқиқотчилари ҳозиргиларидан минг чандон сифатлироқ сурат олиш имконини берувчи фотосенсор ишлаб чиқишди. Янги ишланмадан профессионал камералардан тортиб, махсус — йўлдошлардаги сайёралар юзасини суратга олувчи қурилмаларда ҳам фойдаланса бўлади.



Сенсорнинг ишлаш тамойили ўша-ўша, фарқи эса ҳозир жуда оммалашиб кетган углероднинг хос тури — графенга асосланганидир. Графен эса бир пайтнинг ўзида электр ўтказувчан, эгилувчан ва чидамлидир. Шу ўринда эслатма, 2010 йили графенни очгани учун Андрей Гейм ва Константин Новоселовлар физика йўналишида Нобел мукофотига лойиқ кўрилганди.

Сўнги янгилик!

Ушбу сонда:

■ Ижро интизоми	2
■ Ахборот хуружи ва ёшлар	3
■ Интернет: яқин тўрт-беш йилда...	4
■ Об одной модели	6
■ Мониторинг, ўрганиш ва назорат	11
■ uMail.uz — ўзимизнинг почта	13

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

"Махалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар, Халқ таълими вазирилари, Маънавият тарғиботи маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Қўшқўшир тумани "Ўрта-ёл" қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ғўлжон Абдуллаева голиб деб топилди. У энди танловнинг мамлакат босқичида қатнашади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида агроф-мухитни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорлик самараларига бағишланган халқро анжуман ўтказилди. Халқро анжуманда экологик таълимнинг институционал асосларини такомиллаштириш, сув ресурсларидан интеграллашган ҳолда фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга доир янги технологиялар, иқлим ўзгариши муаммолари ва унинг олдини олиш масалалари, табиий ресурсларни мониторинг қилишда жўғрофий ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш истиқболларига оид маърузалар тингиланди.

Фарғонада узумчиликни ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти Фарғона вилояти филиали ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан соҳа мутахассислари, олимлар ҳамда фермерлар иштирок этишди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Yangi avlod forumi" болалар ижодиёти маркази томонидан "City Makon" маданий-маърифий кўнгилочар марказида болалар учун маърифий тадбир ташкил этилди. Унга серфарзанд, алоҳида эҳтиёжли, кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди. Тадбирда дизайнлик, расмлик, асфалтга расм чизиш бўйича танловлар ўтказилиб, болалар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди. Болаларга совғалар топширилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган саноат зонасида мунтазам фаолият кўрсатадиган "Коммунал таъмир-2013" ярмаркасининг очилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Германиянинг Рейнланд-Пфалц федерал ўлкаси маркази — Майнц шаҳрида "Ўзбекистон маданияти кечаси" бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфуртдаги Бош консулиги томонидан Майнц шаҳар университети билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Ижро интизоми

Доимий ўрганиш ва ўз устида ишлашни талаб этади

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг навбатдаги Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Хайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

Мажлисда дастлаб "Қўмита-нинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг маъмур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги масала селектор орқали кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қўмита ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ф.Арипжанов маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, қўмита раиси томонидан тасдиқланган 2013 йил I ярим йиллик иш режаси ҳамда 5 февралдаги 57-буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги ҳудудий бошқарма, тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ушбу вилоят ҳудудига қўйи таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолати ўрганилган.

Ҳудудий бўлинмаларда кирувчи ҳужжатларнинг белгиланган тартибда рўйхатга олинishi ташкил этилган. Бўлинмаларнинг юқори турувчи корхоналардан олинган буйруқ ва фармойишларни бажариш бўйича чора-тадбирлар кўриш учун резолюциялар (тошпириклар) мавжуд. Шу билан бирга, ҲААА-нинг 2011 йил 17 январдаги 16-буйруғи билан тасдиқланган RH 45-015:2010 "Ҳужжатларнинг бир хиллаштирилган тизимлари ташкилий-бошқарув ҳужжатлари турлари, таркиби ва расмийлаштирилиши" раҳбарий ҳужжат талаблари ўрганилганда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Мисол учун, "РТМ" ДУК Қашқадарё РТУМ филиалида юқори турувчи ташкилотдан олинган фармойиш ва буйруқларга тайёрланган баъзи ички буйруқлар йўриқнома талаблари асосида ишлаб чиқилмаган, "Матбуот тарқатувчи" АК Қашқадарё вилояти ШКда баъзи шахсий таркибга оид бўлган буйруқлар асосий фаолиятга оид буйруқлар дафтаридан рўйхатга олинган.

Маъмур шўъба корхонада 1, 2-таҳлилий ҳисоботлар олиб боришда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилган.

"РМАБ" ДУК Қашқадарё вилояти боғламаси ҳамда "РТМ" ДУК Қашқадарё РТУМ филиалида ҳам айнан 1, 2-таҳлилий ҳисоботлар олиб боришда камчиликлар мавжудлиги аниқланди. "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалида юқори турувчи идорадан келган тегишли буйруқ ва фармойишларга филиалнинг ўз ички кўрсатмасини ишлаб чиқиш учун муддат белгиланган бўлса-да, баъзи кўрсатмаларнинг муддатлари бузилган.

Ўрганиш давомида "ХФУ" грифли ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни рўйхатга олишда вилоятдаги соҳа корхоналарида ижобий натижалар қайд этилди. Фуқаролар мурожаатлари масалалари ўрганиб чиқилганда, жойларда фуқаро мурожаатлари аксарият "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Ўзбектелеком" АК, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Қашқадарё бўлимида (хусусан 2012 йил давомида) мавжуд бўлиб, улар орасида корхона айби билан келиб тушган мурожаатлар ҳам мавжуд, айбдор шахсларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўрилган, кўриб чиқиш муддатлари йўриқнома талабларига жавоб беради.

Жойларда масъул ходимлар тўлиқ назорат юритиши учун зарур канцелярия ва компютер техникаси, зарурий норматив ҳужжатлар билан таъминланган. 2012 йил давомида масъул ходимлар тегишли равишда ўртача 2-3 маротаба ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича машғулот ва семинарларда қатнашган. Барча бўлинмаларда идоравий архив иши бўйича масъул ходимлар ажратилган.

Ўрганишлар натижасида қўмита-

нинг Қашқадарё вилояти ХБ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали ва Шахрисабз ПАТ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Қашқадарё вилояти инспекцияси, ТАТУ Қарши филиали, ДФХ вилоят бўлими, "ОКСММ" Қашқадарё вилояти бўлинмаси, "ЭМММ" ДУК вилоят ЭММХ, ОАТ "Алоқа-банк" вилоят филиали, РАКМ вилоят АКМ, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Шахрисабз ТБда ижро интизомига риоя этиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган фаолиятни қоникарли деб ҳисобланди. "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали, "Матбуот тарқатувчи" АК Қашқадарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" ШК, "РМАБ" Қашқадарё вилояти МАБ, "РТМ" ДУК Қашқадарё РТУМ ҳужжатлар назоратини ташкил этиш бўйича амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш фаолиятларини янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш лозим деб топилди.

Хайъат йиғилишида, шунингдек, "Республикада телекоммуникация тармоқларининг (жумладан, мобил алоқанинг) ривожланиш ҳолати ва муаммолари" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарори асосида Комплекс ахборот тизимларининг яратилиши ҳолати хақида"ги масалалар ҳам атрофича кўриб чиқилиб, тегишли тавсия ва таклифлар берилди.

Йиғилишда "Матбуот тарқатувчи" АК даврий нашрларни тарқатиш тармоғини ривожлантириш концепцияси тўғрисида" компания бош директори С.Нажбидинов маъруза қилди. Маърузачи "Матбуот тарқатувчи" АК даврий нашрларни тарқатиш тармоғини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган Концепция тўғрисида маълумот берди. Муҳокамада маъмур Концепцияни қайта кўриб чиқиб, Хайъатга киришти тавсия қилинди.

Хайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маънавият куни доирасида

Қарши туманидаги Тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежида Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамкорлигида "Оқаётган сувнинг қадри" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

— Тадбирдан қўзланган мақсад олий таълим муассасаларида жорий этилган "Маънавият куни" тадбирларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишдир, — дейди ТАТУ Қарши филиали Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Тохир Қурбонов. — Маъмур тадбирлар доирасида ўтказилаётган маънавий-маърифий ишлар тизими йўлга қўйилиб, талабалар-

нинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Коллеж ўқувчилари, филиалнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокидаги тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, таълим муассасаларида соғлом маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашдаги ишлар тўғрисида атрофича тўхтадилар.

Тадбир давомида "Оқаётган сувнинг қадри" видео-филми намойиш этилиб, ёшлар филмда кўтарилган мавзу юзасидан баҳс-мунозара юритдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Ахборот хуружи ва ёшлар

Тошкент ахборот технологиялари университетида "Ахборот хуружи даврида ёшлар онгини шакллантириш омиллари" мавзuida республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ўтказилди. Тадбир ТАТУ ректори Ҳаким Муҳитдиновнинг кириш сўзи билан очилди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ТАТУ хамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман ахборот хуружи, глобаллашув, бағрикенглик, халқ менталитетининг асосий хусусиятлари, миллий чегараларнинг йўқолиши, ахборот хавфсизлиги каби тушунчалар моҳиятини тушунтириш ва бу соҳада олиб бориладиган асосий вазифаларни аниқлаш каби мақсадларга хизмат қилди. Дарҳақиқат, дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот ва телекомму-

никация соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафқуравий тортишувлар кескин гус олаётган бир вазиятда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгиданда муҳим аҳамият касб этмоқда, ёшларимиз маънавий оламида бўшлиқ юзага келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом турмуш тарзи, миллий ва умуминсоний кадриятларга эҳтиром туйғусини шакллантириш барча соҳа вакиллари зиммасидаги муҳим вазифалар саналади.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олим Ўсаров

"Ахборот хуружи даврида оммавий ахборот воситаларининг роли", ЎзДЖТУ профессори Нарзулла Жўраев "Ахборот хуружи ва ўзликни аниқлаш инстинкти", ЎзДЖТУ профессори Дилором Бобожонова "Ёш онлани мустаҳкамлашда аёл маънавияти юксаклигининг ўрни", Тошкент Ислам университети малака ошириш факултети декани Уйғун Гофуров "Ёшларда интернетдаги ёт ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантиришнинг долзарб масалалари", ТАТУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Нодири Махкамова "Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг ёшлар онгини шакллантириш жараёнидаги аҳамияти" мавзуларида маърузалар қилишди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

ШОНЛИ ЙЎЛ

1995 йил

17 феврал. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикасига расмий ташрифи домида "Самсунг электроникс" компанияси раҳбарлари билан суҳбатда бўлди.

1 июн. Президент Ислам Каримов Корея Республикасининг "ДЭУ" компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат домида автомобилсозлик, енгил саноат ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида фикрлашиб олинди.

2 сентябр. Президент Ислам Каримов Япониянинг Токио банки бошқаруви раиси Тойо Гётени қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Япония ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг тобора ривожланиб боришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни баён этди. Ўз навбатида, меҳмон Япония ҳукумати ва ўзи раҳбарлик қилаётган банк орқали телекоммуникация қувватларини ошириш ва янгилаш мақсадида Ўзбекистонга имтиёзли кредит ажратилганини маълум қилди.

1996 йил

16 октябр. Президент Ислам Каримов "ДЭУ" компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида автомобилсозлик, тўқимачилик, телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

1997 йил

23 июл. Президент Ислам Каримов "Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.


18 август. Президент Ислам Каримов Жанубий Кореянинг "Самсунг электроникс" компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон корхоналари билан "Самсунг электроникс" ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фаолияти хроникаси" китобидан

Замонавий технологиялар

банк бизнесининг янги уфқларини очмоқда

Банк тизимида инновацион ахборот технологияларини кенг қўламда татбиқ этиш мамлакатимизда қисқа муҳдатда миллий тўлов тизимини шакллантиришга имконият яратди. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни аниқ вақт тартибда амалга оширувчи бу тизим мамлакатимиз молия бозори барқарорлигини таъминламоқда.



Бундан ташқари, у давлатимиз пул-кредит сисъатини самарали юритиш, миллий ва халқро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Хозирги кунда миллий тўлов тизими негизда Марказий банкнинг ягона банкларро тўлов тизими, 29та тижорат банкнинг ички тўлов тизимлари, шунингдек, банк карталари бўйича барча тижорат банкларини қамраб олган "Uz-Kart" банкларро чакана тўлов тизими, аҳолидан уяли алоқа хизмати, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича "Uz-Paynet" тўлов агентлик тармоғи ҳамда "SMS-TO'LOV" чакана тўлов тизимлари фаолият юритмоқда.

Тижорат банклари қучли, ишончли ва юқори самардорликка эга бўлган платформалар асосида ахборот технологиялари ютуқларини банк фаолиятига дадиллик билан татбиқ қилиб, улар асосида мукамал дастурлар яратиб, ахборот тизимлари инфратузилмасини ривожлантирмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини қучайтириш, анъанавий банк хизматлари сифатини ошириш, янги хизматларни жорий этишга йўналтирилган ишларни муттасил давом эттиришга даъват этмоқда.

Маъқур ишларнинг самараси ўларок, 2013 йил 1 май ҳолатига республикамиз бўйича қарийб 44 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар Банк-Мижоз ва

Интернет-банкнинг дастурий мажмуалари хизматларидан фойдаланиб келмоқда. Мижозлар масофадан туриб компютер ва электрон алоқа тизими орқали банк операцияларини амалга оширмоқдалар.

Масофавий банк хизматлари кўрсатишни банккомат ва инфокиоскларсиз тасаввур этиб бўлмайдми. Фойдаланиши содда бўлган ушбу усқуналар бутунги кунда мижоз ва қассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос минибанк-офис вазифасини ўтайпти. Хозирги пайтда банккоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин. Шунинг қайд этиш ўринлики, мижозлар исталган банк банккомат ва инфокиоскларидан фойдалана оладилар. Айни пайтда республикамиз бўйича "Smart-Vista" on-line ва "DUET" тизимидаги карточкаларга хизмат кўрсатадиган банккомат ва инфокиосклар сони 1466тани ташкил этиб, улар ягона тармоққа уландган.

Бутунги кунда республикамизда муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 9,7 млн. донани ташкил этади. Пластик карточкалар сони кўпайишига мос равишда терминаллар сони ҳам ошиб бормоқда. Аҳоли гавжум бўлган жойлар ва савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган терминаллар сони шу йил бошига келиб салкам 116 мингтани ташкил этди.

Тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларига бўлган эҳтиёж муттасил ортиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфлаган, юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ иштиёқ билдирмоқда. Мана шу эҳтиёжни инобатга олиб, тижорат банклари масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш, бунда глобал тармоқ имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриб бориш япти. Айтиб ўтиш ўринлики, айни йўналиш жаҳон банк тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган миллий банк тизимининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айни пайтда барча тижорат банклари интернетда ўзларининг веб-сайтларини очиб, улар банк фаолияти, янги хизмат турлари ва шартлари, мижозлар манфаатига тегишли маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилаётир. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Аҳоли ўртасида мобил телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиб бориши банклар томонидан мобил-банкнинг (wap-banking) ва sms-банкнинг хизматлари йўлга қўйилишига олиб келди. Хозирги пайтда 107 мингта мижоз айни хизмат турларидан фойдаланяпти. Айтиш ўринлики, шу йилнинг биринчи чорағида банкларнинг айни хизмат турларидан фойдаланувчилари сони 50 фоиз ўсишига эришилди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкнинг, мобил-банкнинг, sms-банкнинг ва бошқаларни) республика миқёсида доимий кенгайтириб бориш бўйича ишлар барча банклар томонидан тизимли амалга оширилиши миллий банк тизимининг ривожланиш тенденцияларидан гувоҳлик беради ва республика иқтисодиётида бозор механизмларининг мустаҳкамланишига шароит яратади.

Ўз мухбиримиз

Xalqaro haqot

ЕВРОПАнинг қатор мамлакатларида сув тошқинлари боис фавқулодда ҳолат жорий қилинди. Бир неча кун мобайнида камида икки ойлик ёнғинчилик кузатилагани сабаб Чехияда камида етти, Австрияда икки киши табиий офат қурбони бўлгани хабар қилинмоқда.

Германиянинг Бавария, Саксония, Баден-Вюртемберг ерларини сув босган. Канцлер Ангела Меркел тошқинлардан зарар кўрганларга 100 миллион евро кўмак ваъда қилган. Мамлакатда армиядан тошқин ҳимоясида ёрдам бериш сўралган.

Чехияда уч минг киши яшаб турган жойларидан кўчирилган. Австриядаги Зальбург ерларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Дунай оқиб ўтадиган мамлакатлар раҳбарияти яқин орада дарё ўзаниларидан тошиб чиқishi мумкинлигидан огоҳлантирилганлар.

Европа Иттифоқи сув тошқинларидан жабр кўрган мамлакатларга ёрдам беришга тайёрийини билдирган.

ХИТОЙда катта йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Мамлакатнинг автомагистралларидан бирида 56та машина тўқнашиб кетган. Натижада тўққиз киши қурбон бўлган, 95 киши турли даражада жабр кўрган.

БМТ Сурияда кимёвий қуроли ишга солиниши юзасидан ўз ҳисоботини эълон қилган, унда инкирозга аралашган икки тараф ҳам айбланган. "Сурияда кейинги ойлarda ҳукумат кучлари ҳужумларида кимёвий қуроли ишга солинганга ишонин учун асосли далиллар бор", дейлади ҳисоботда. Унда айтилишича, муҳолифат кучлари ҳам ўзларининг ҳужумларида кимёвий қуролидан фойдаланганларини истисно қилиш мумкин эмас.

Янги ҳисобот муаллифлари Сурия ҳукуматиға мурожаат қилиб, мамлакатта БМТнинг кимёвий қуролидан бўйича экспертларнинг киришлари ва Сурия ҳукумат кучлари ихтиёридаги кимёвий қуроли намуналарини ўрганишлари учун руҳсат беришни сўраганлар. БМТнинг махсус комиссияси ўзининг текширувида 2013 йилнинг 15 январидан 15 майгача бўлган тўрт ойлик ҳодисаларни ҳужжатлашган.

"PROTON-M" орбитага SES-6 телекоммуникация йўлдошини олиб чиқди. Бу ҳақда РФнинг федерал космик агентлиги матбуот хизмати хабар қилган. SES-6 бевосита телеузатув ҳамда Лотин Америкаси ва Атлантика океани акваториясида VSAT ва рақамли алоқа хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган.

ПАРИЖда ўтадиган келаси йили сайловлардан сўнг биринчи марта Париж ҳокими аёл киши бўлиши эҳтимоли бор. Бунга Халқ ҳаракати учун иттифоқ партиясидан Франциянинг собиқ энергетика ва экология вазири Натали Косцюшко-Моризе номзоди кўрсатилди. У шу лавозим учун социалистлар партиясидан номзод Анна Идалго билан кураш олиб боради. Сўровномалар ҳар икки номзод аёлниги имкониятлари тенг эканлигини кўрсатмоқда.

1977 йили жорий қилинган мазкур ҳокимлик позицияси Францияда анча обрўли саналади. Парижнинг биринчи ҳокими Жак Ширак бўлган. Айни дамда Бертран Деланоэ ҳокимлик қилмоқда.

МИСРда гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шувуланган беш нафар хорижлик шахс ўлим жазосига ҳукм қилинди. Уларнинг бир нафари британиялик, уч нафари Сейшел ороллари фукаралари ҳамда яна бири покстонликдир. Қўлга олиш вақтида қочиб қолишга муваффақ бўлган покстонлик жиноятчи сирдан жазага тортилган. Шунингдек, суд айбланувчиларни 13,4 миллион доллар миқдорда жарима тўлашга ҳам мажбур қилган.

Интернет: яқин тўрт-беш йилда...

Яна тўрт йилдан сўнг сайёрамиздаги ҳар иккинчи одам интернет фойдаланувчисига айланади

2012-2017 йиллар оралиғида интернет трафик ҳажми уч бараварга ошади (Cisco/Visual Networking Index (VNI). Жумладан, 2017 йилгача бўлган даврда глобал симли ва мобил IP-трафикда йилга 1,4 зеттабайт тезлик, яъни триллион гигабайтдан юқори ўсиш кузатилади. Бунинг натижасида 2017 йили ҳар ойлик глобал IP-трафик ҳажми деярли 121 эксабайтни ташкил этади. Солиштириш учун: 2012 йили бу кўрсаткич 44 эксабайтга тенг эди.

"Компаниямизнинг "Визуал тармоқ технологиялари тараққиёт индекси" жаҳоннинг турли минтақаларида маълумот узатиш тармоқлариға талаб ўта юқори эканлигини яна бир қарра исботлади, — дейди Cisco компанияси вице-президенти Дуг Вебстер. — Интернетта тобора кўпроқ одамлар, объектлар, жараёнлар боғланавергач, бу тармоқларни бошқараётган интеллектуал тармоқ ва операторларнинг роли жуда ошиб кетади".

Инсоният ва интернет

2017 йилга бориб, интернетдан фойдаланувчилар сони 3,6 млрд. кишиға етиши кутиляпти — бу Ер шари аҳолисининг 48 фоизидан кўпроқ (тахминларға кўра, ўша йили сайёрамиз аҳолиси 7,6 млрд.ға етади). Солиштириш учун: 2012 йили 2,3 млрд. киши интернетдан фойдаланган бўлиб, инсониятнинг 32 фоиз қисмини ташкил этган.

Тармоқ қурилмалари ва уланишлар

Жаҳон бўйича 2017 йили 19 миллиарддан ортиқ тармоқ уланишлари амалға оширилади (симли ва мобил персонал қурилмалар, "машина-машина" тоифасидаги алоқа ва ҳоказолар). Солиштириш учун: 2012 йили бундай уланишлар сони 12 млрд. атрофида эди.

Тезлик...

2012-2017 йиллар оралиғида симли кенг полосали тармоқларда маълумотлар узатиш тезлиги уч баравардан кўпроқ жадаллашади — 11,3 Мбит/с.дан 39 Мбит/с.гача. 2011-2012 йилларда симли кенг полосали тармоқларда ўртача тезлик 30 фоизға ошганди — 8,7 Мбит/с.дан 11,3 Мбит/с.гача.


AT-хабарлар



Тайваннинг Asustek компанияси Computex-2013 кўрғазмасида ўзининг янги бюджет интернет-планшети — Memo Pad HD7ни намоиш этди. Ўзига хос жиҳати, у жаҳон бозорида тақлиф этилаётган планшетлар орасида энг арзони — 129 доллар.


Планшет 302 грамм оғирликда бўлиб, 7 дюймлик экранни 1280x800 пикселни акс эттиради. Шуни таъкидлаш керакки, матбуот анжуманида қатнашган компания бошқаруви раиси Жонни Ши мазкур планшетдан ўзи ҳам ҳар кун фойдаланишини айтган.

Google кидирув сервиси учун янгилик жорий этди. Энди парҳез тутувчилар бу интернет-кидирув тизимига кириб 1000дан зиёд озик-овқат маҳсулотининг озуқавийлиги ҳақида батафсил маълумотға эга бўлиши мумкин. Масалан, "олма" сўзини ёки биров бир овқат номини кидирсангиз, барча керакли сайт-хаволалар топиб берилиши билан бир қаторда, бу маҳсулотларнинг калорияси, канча оқсил, ёғ, углеводлар ва минералларға эға эканлиги ҳақидаги маълумот ҳам тақдим этилади.



Кўпчилик мобил қурилмалар учун зарарли дастурий таъминот борлигидан хабардорсиз, албатта. Аммо мобил телефон учун зарар келтирувчи зарядлаш мосламасиға нима дейсиз?! Жоржия технология институти (АҚШ) тадқиқотчилари амалда бу қурилмани ясаши ва синаб кўриши. Улар ясаган зарядлаш мосламаси ҳатто энг сўнгги русумдаги Apple iOSни ҳам "буза олди".

Computex-2013 кўрғазмаси доирасида Seagate компанияси планшетлар учун 500 гигабайтлик қаттиқ диск тақдимотини ўтказди. Мазкур хотира қурилмалари дастлабки татбиғини Asus, Dell ва Lenovo планшетларида топади.



Видеохизматлар ва иловалар оммалашади

2017 йили тармоқлар истеъмолчилари ойига 3 триллион дақиқа интернет-видеодан фойдаланишади, оддий тил билан айтганда, ойига интернетға жойлаштирилаётган видеони тўлиқ кўриб чиқиш учун 6 миллион йил керак бўлади, бу сониясига икки йилни ташкил этади. 2012 йили интернет-трафикнинг 26 фоизи персонал компютерлар эмас, балки бошқа турдош қурилмалар орқали шакллантирилган. 2017 йилда бундай қурилмаларнинг интернет-трафикни шакллантиришдаги улуши 49 фоизгача етиши кутиляпти.

IP-трафик: минтақа ва мамлакатлар мисолида

*2017 йилга бориб, энг катта IP-трафик Осиё-Тинч океани минтақасиға тўғри келади.

*IP-трафикнинг энг юқори ўсиши Яқин Шарқ ва Африкада 2012-2017 йилларда кузатилади.

*2017 йили энг катта IP-трафик АҚШ (ойига 32 эксабайт) ва Хитой (ойига 18 эксабайт)ға тўғри келади.

*Миллий миқёсда IP-трафикнинг 2012-2017 йилларда энг юқори ўсишиға Хиндистон эришади — ўртача йиллик ўсиш 44 фоизға етади. Кейинги ўринларда Индонезия (йилга 42 фоиз) ва Жанубий Африка Республикаси (йилга 31 фоиз).

2017 йилда IP-ТРАФИКНИНГ ҲОЛАТИ

Минтақа	Ойлик IP-трафик	Йиллик ўртача ўсиш (%)
Осиё-Тинч океани минтақаси	43,4 эксабайт	26
Шимолий Америка	40,7 эксабайт	26
Ғарбий Европа	24,3 эксабайт	17
Марказий Европа	8,8 эксабайт	21
Лотин Америкаси	7,4 эксабайт	17
Яқин Шарқ ва Африка	3,5 эксабайт	38

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Симлар нутиладими?

<http://www.membrana.ru/particle/2336> сайтида берилган маълумотларга кўра, бугун биз симсиз технологияларга кўп мурожаат қилаемиз. Симни бугунги кунда "ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган" восита деб ҳисобловчилар ҳам кўп бўлиб топилди. Масалан, 30 йиллар олдин у оёқ остида чувалашиб халақит қилган. Бу нукулайликларни бартараф этиш учун радиоканаллар орқали симсиз алоқа ўрнатиш устида изланиш олиб борилган. Натижада Wi-Fi, WiMax, Bluetooth каби технологиялар яратилди. Ҳақиқатан ҳам, симсиз алоқа жуда қулай. Бугунда мавжуд симсиз ахборот узатувчи технологияларнинг кўплаб протоколлари бўлса ҳам, уларни ҳар бирининг ўз вазифалари бор. Масалан, WiMax ахборотларни узок масофага узатишга мўлжалланган. Bluetooth кичик масофага хизмат қилади. Уларнинг ичида IEEE 802.11b деган тури машҳурдир. Wi-Fi деганда одатда шу тур тушунилади. Wi-Fiнинг частоталар диапазони 2,4дан 2,4835 гигагерцга бўлади. Максимал тезлиги 11 Мбит/сония бўлиб, 100 метрча радиусда сигналлар узата олади. Қолаверса, очик майдонларда, яъни радиоканалларнинг йўлида девор ва бошқа тўсиқлар бўлмаса, 300-400 метрча хизмат кўрсата олади. 802.11a ва g стандартлари эса 5 ва 2,4 гигагерц частотада ишлайди, шунга мувофиқ максимал ахборот узатиш тезлиги 54 Мбит/с.ни ташкил этади. Унинг қўлланилиши ахборотлар узатиш тезлигини 802.11g стандартига қараганда 4 марта (максимал 56 Мбит/с.) оширишга имкон беради. Назарга жиҳатдан унинг ахборотлар узатиш тезлиги 600 Мбит/с.га етиши белгиланган. Яна бир эътибор қаратиладиган жиҳати, бу технологияда сигналларнинг кичик радиусда тарқалиши ахборотларга ишлов беришни, кодлашни ҳам таъминлайди.

IEEE 802.11n стандарти эса 2009 йилда ишлаб чиқилган. У 50-100 метр диапазонда ахборот узатиш тезлиги 320 Мбит/с.гача етувчи хот-спот ёки Wi-Fi худудини ярата олади. Ундан фойдаланиш учун шу худудда бўлишнинг ўзи етарли. Ҳамма қурилиш ва улашчилар автоматик тарзда амалга ошади. Кўпчилик инсонлар айтиш кунда Wi-Fi худудда фаолият олиб борувчи жойларда овқатланишни, шундай худудга машиналарини қўйишни хоҳлайди. Аслини олганда технологиянинг иши одатий локал тармоқдан деярли фарқланмайди. Агар зарур бўлса локал ресурсларга кириш пароллаб қўйилса ҳам бўлади.

Wi-Fi — тармоқми ёки технология?

"Википедия" электрон қомусида берилишича, Wi-Fi Alliance савдо русуми IEEE 802.11 стандарти асосидаги симсиз тармоқдир. Шу ўринда савол пайдо бўлади. Wi-Fi тармоқми ёки технология? Изоҳ берадиган бўлсак, Wi-Fi симсиз алоқа ўрнатувчи технологиялар орқали локал тармоқ яратиш ва глобал тармоққа кириш имкониятидир. Кўпчилик уни "симсиз интернет" дейди. Мантиқан тўғри. Аммо, кенгрок қарайдиган бўлсак, у симсиз тармоқ. Тармоқ орқали эса глобал тармоқ — интернетга уланилади. Баъзи ўринларда мана шу симсиз алоқани яратувчи технологияни ҳам "Wi-Fi" деб атаймиз. "Wi-Fi" атамаси олдинга Hi-Fira (инглизчасига High Fidelity юқори аниқлик



маъносини беради) ишорада таассурот қолдирган. WECA пресс-релизларида берилишича, Wi-Fi "Wireless Fidelity" (симсиз аниқлик) маъносини англатади. Аммо айтиш кунда бу ҳам рад этилган бўлиб, атама ҳеч қандай маънони англатмайди. Шундай бўлса, кўплаб манбаларда Wi-Fi аббревиатураси инглизча "Wireless Fidelity" сўз бирикмасидан олинган дейилади. Демак, иборани "симсиз ахборот узатишдаги юқори аниқлик" дея талкин қилишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда радиоканаллар орқали рақамли ахборот оқими узатишнинг ривожланиш стандартлари кўпайган. IEEE 802.11 стандартини қабул қилган исталган қурилма Wi-Fi Allianceда рўйхатдан ўтказилиб, Wi-Fi логотипи қайд этиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўла олади.

Тарихга назар солсак, Wi-Fi 1991 йилда Нидерландияда NCR Corporation / AT&T (кейинчалик номлари ўзгарган — Lucent Technologies ва Agere Systems) компаниялари томонидан яратилганини кўраемиз. Маҳсулот одатий касса хизмати учун мўлжалланган эди. Кейинчалик бозорга WaveLAN русумида чиқарилган. Илк кўриниш бир оз оддий бўлган, бор-йўғи 1-2 Мбит/с. тезликкача ахборот узатиш тезлигини таъминлаган. Wi-Fi муаллифи Вик Кейз (Vic Hayes) IEEE 802.11b, IEEE 802.11a ва IEEE 802.11g стандартларининг яратилишида ҳам иштирок этган.

Cult of Mac ахборот манбаси хабарига кўра, 2011 йилнинг 29 июлида Электротехника ва электроника муҳандислари институти томонидан IEEE 802.22 стандартлари расмий версиясини чиқарган. Бу — супер Wi-Fi-дир. Унинг ахборот узатиш тезлиги 22 Мбит/с. аммо ҳаракатланиш майдони 100 км. радиусни ташкил этиши билан эътиборлидир.

Wi-Fiнинг локал тармоқ сифатида мавжуд бўлиши учун камида битта бўлса ҳам мижози бўлиши лозим. Демак, унинг одатий тузилишида тармоқлар биттадан кам кириш нуқтасига ва биттадан кам мижозга эга бўлмайди. Шунингдек, иккита мижоз нуқта-нуқта тартибида ишлай олади. Агар кириш нуқтасидан фойдаланилмаса, мижозлар тармоқ адаптерлари воситасида тўғридан-тўғри боғланади. Wi-Fi учун 0,1 Мбит/с ахборотлар узатишдаги энг кам тезлик ҳисобланади. Хуллас, Wi-Fi стандарти мижозларга уланиш борасида ҳам эркинлик беради.

Айтиш лозимки, бирорта стандарт

Технологиялар такомиллашиб, кенг тарқалиб бормоқда. Аслида ҳам мукаммаллашнинг асосий шартидир.

симсиз локал тармоқ Wi-Fiнинг ҳамма қирраларини ўзида жамламаган. Шунинг учун ҳам ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўз қурилмаларида маъмур технологиянинг бўлишини истайдилар. Масалан, харидорлар ҳам телефон ёки компютер сотиб олаётганда улар Wi-Fi тўқинларини қабул қила оlish ёки қабул қила олмаслигига эътибор қаратишмоқда.

Турлар турфалиги

Ягона тизимга киришдаги уланиш усулига кўра, Wi-Fiни қуйидагиларга ажратиш мумкин Биринчиси, автоном кириш нуқтаси орқали уланиш. Шунингдек, уни мустақил, марказлашмаган, ақли уланиш ҳам дейишди. Иккинчи уланиш усули эса контроллер бошқарувида ишловчи кириш нуқталари орқалидир. У "енгил вазили", марказлашган деб ҳам номланади. Контроллерсиз, лекин автоном бўлмаган учинчи уланиш тури ҳам мавжуд.

Радиоканаллар бошқарувига кўра эса симсиз локал тармоқни қуйидагича таснифлаш мумкин. Биринчиси, радиоканаллар қурилиши статистикаси билан фарқланади. Бунда фарқланувчи асосий омил тузилишдир. Иккинчи тур радиоканаллар қурилиш динамикаси (соддалиги) билан характерланади. Радиоканалларнинг қатламли ёки кўп қатламли тузилиши эса учинчи турдаги технологияларни ажратиб беради.

Сим ўтказиш иложи йўқми?

Wi-Fiга мурожаат қилинг

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, симсиз интернетга уланиш имконини бериши Wi-Fiнинг асосий афзаллигидир. Баъзи ўринларда бу афзаллик яна кўплаб нукулайликларни ҳам етаклаб келади. Айтилик, сим, кабеллар ўрнатиш мумкин бўлмаган худудлар — биноларнинг ташки қисмига пугур етказиш мумкин бўлмаган тарихий иншоотларда Wi-Fi ўрнатилса ҳам арзон интернетга эга бўлинади, ҳам нукулайликларнинг олди олинади.

Камчиликларига эса назарий жиҳатдан олинган тезликнинг амалда доим ҳам мос келавермаслигини келтирса бўлади. Боиси радиотўқинлар унинг олдида чикқан девор ва

мебеллар билан тўқнашиши мумкин. Шунингдек, 2,4 GHz диапазонда ишлайдиган кўплаб қурилмалар, масалан, Bluetooth ва хатто микротўқинли печлар ҳам ўша худуддаги электромагнитли мосликни ёмонлаштиради.

WiMAX — мукаммал шакл

Симсиз технологиялардан бири WiMAX (инглизчаси Worldwide Interoperability for Microwave Access) — кенг спектр учун катта масофада фаолият кўрсатишга мослашган симсиз алоқани таъминловчи телекоммуникация технологиясидир. У IEEE 802.16 стандарти асосида ишлайди. Максимал тезлиги — 1 Гбит/с.

http://www.getwifi.ru/p_wifi_vs_wimax.html электрон манзилдан олинган хабарга кўра, WiMAX ва Wi-Fi ахборот узатишдаги замонавий технологиялари номлари бир-бирига ўхшаб кетса-да, иккаласи кўп бора солиштирилаётган бўлса-да, фарқли жиҳатлари кўп. WiMAX бир оз кейин пайдо бўлган технология бўлиб, у Wi-Fiнинг такомиллашган шакли. WiMAXда алоқа сифати ҳам анча юқори бўлиб, кенг микёсда фаолият юрита олади.

Солиштириш учун қуйидаги фактларни келтираемиз:

Wi-Fi, яъни IEEE 802.11 стандарти иншоотнинг ташқарисида ишлатиш учун қулай, WiMAX (IEEE 802.16) иншоотларнинг ичида ҳам юқори тезликда хизмат кўрсата олади. Содда шакл нуқта-нуқта тартибида, такомиллашган шакли нуқта-кўп нуқта тузилишида ишлайди. Одатий фойдаланиладиган Wi-Fi кичик микёсда — 100 метрли масштабда фаолият юрита оlsa, WiMAX 7-10 километр масофага кенг ёйила олади.

Технологиялар такомиллашиб, кенг тарқалиб бормоқда. Аслида ҳам мукаммаллашув тараққиётнинг асосий шартидир. Бугунда WiMAX ва Wi-Fiни жорий этиш бўйича қатор улашчилар амалга оширилмоқда. Уларнинг ичида бутун давлатни ёки катта худудларни WiMAX ёки Wi-Fi билан қамраб олишни кўзда тутувчилар ҳам мавжуд. Жамият ахборотлашувининг жадаллашуви шароитида бу ҳам реал ҳодисадек туюлади. Хуллас, симсиз технологиялар катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Савобар ЖУМАНОВА,
ЎзДЖТУ магистри

Об одной модели

ОБСЛУЖИВАНИЯ ВЫЗОВОВ НА УРОВНЕ АБОНЕНТСКОГО ДОСТУПА

Дальнейшее развитие и конкурентоспособность телекоммуникационной системы любого назначения, в значительной мере, будут определяться теми решениями, которые выбраны операторами для модернизации сетей доступа. Большинство сетей доступа, эксплуатируемых в настоящее время, отличаются высокой стоимостью, низкой надежностью и не обеспечивают введение новых видов инфокоммуникационных услуг.

Технология NGN позволяет объединить множество рассредоточенных объектов организации, включая мобильных работников, в единую конвергентную сеть. NGN позволяет достигнуть экономии затрат путем объединения функций голосовой связи и передачи данных в одну сеть, техническая поддержка которой может осуществляться централизованно, а также путем ликвидации расходов на междугороднюю и международную связь при звонках на удаленные объекты.

Развитию сетей доступа свойственны иные законы. После появления двухпроводных абонентских линий начался период, который можно назвать стагнацией. Двухпроводные физические цепи надолго стали единственным средством построения сетей доступа, хотя экономически он был и остается не эффективным.

В настоящее время развитие телекоммуникационных сетей происходит в направлении роста рынка мультисервисных услуг, внедрения новых телекоммуникационных и информационных технологий, их конвергенции.

Условия рынка телекоммуникаций требуют повышения качества предоставляемых потребителям услуг и, как следствие этого, увеличения затрат со стороны операторов связи на поддержание их качества. В свою очередь операторы связи заинтересованы в снижении эксплуатационных расходов и повышении эффективности процессов эксплуатации сетей связи и их элементов.

Анализ развития современных сетей связи показывает, что необходимость в передаче трафика в сетях электро-связи, который характеризуется различными видами информации (видео, голос, данные), нарастает более высокими темпами, чем исключительно передача сообщений одного типа. Такие сети связи, получившие название мультисервисных, представляют интерес, в первую очередь, с точки зрения своей пропускной способности и возможно-



сти передачи широкого набора услуг, — так называемых услуг Triple Play (видео, голос, данные). Одна из самых больших технических проблем при передаче голосовых и видео-сообщений по сетям с пакетной коммутацией заключается в обеспечении гарантированного качества обслуживания (QoS), позволяющего получить звук и изображение без искажений и помех. Поэтому на уровне доступа мультисервисной сети задача качества обслуживания абонентов является, безусловно, актуальной. Для расчета параметров качества обслуживания вызовов на уровне абонентского доступа требуется определить модели обслуживания.

Пропускная способность сетей доступа (СД) должна определяться исходя из требуемого числа каналов (скорости передачи информации) между каждым из выносных модулей и соответствующим узлом предоставляемой услуги коммутируемой сети. Поэтому важными являются вопросы разработки математической модели канала и методов расчета требуемого числа каналов (скорости передачи информации) между тяготеющими парами узлов СД.

Объем ресурсов СД, выделяемых для организации связи между соответствующими парами узлов коммутируемой сети, зависит от вели-

чины и характера передаваемого между этими узлами трафика, а также от принятой дисциплины и требуемого уровня качества обслуживания заявок. Общепринятым математическим методом расчета числа каналов (скорости передачи) является аппарат теории массового обслуживания и теории телетрафика. Характер поступающего потока нагрузки, структура обслуживаемой системы и дисциплина обслуживания заявок определяют конкретный тип используемой математической модели и возможность получения аналитических выражений, а также необходимость применения численных методов расчета или методов статистического моделирования.

Традиционные и порожденные новыми видами телекоммуникационных услуг потоки нагрузки на СД, например, передача изображений с высокой разрешающей способностью, услуги интернет, мультимедиа и т.д., могут значительно различаться по своим требованиям к ресурсу (скорости передачи) линии, задержкам в процессе передачи, путям следования по сети доступа, потерям части информации и надежности. Учет перечисленных выше требований приводят к необходимости разработки и исследования модели системы массового обслуживания.

Проведение процедуры формализации и дальнейшего построения модели, описывающей специфику процесса обслуживания заявок СД, обеспечивает проектирование всей необходимой информацией для принятия требуемых решений. Модель, с одной стороны, должна отражать все особенности анализируемой системы связи: вид и характер входных потоков, структуру системы обслуживания, дисциплину обслуживания и т.д., а с другой стороны — оставаться приемлемой для исследования требуемых характеристик системы, т.е. для применения стандартных процедур, развитых в теории телетрафика для решения соответствующих задач. Рассмотрим отдельные моменты проведения процедуры формализации средствами теории телетрафика процесса передачи нагрузки коммутируемых сетей по цифровым линиям СД.

**А. БАХРАМОВ,
Ш. АБДУЛЛАЕВ,
Ш. НАСРИДДИНОВ,
магистранты ТУИТ**



Новости в процессах приема абитуриентов в Ташкентском университете информационных технологий

Во исполнение Постановления Правительства РУз "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки кадров в области информационно-коммуникационных технологий" и в целях кардинального улучшения системы подготовки высококвалифицированных специалистов для отраслей и сфер экономики республики в области информационно-коммуникационных технологий определены основные задачи Ташкентского университета информационных технологий и установлены следующие направления образования бакалавриата и специальной магистратуры по подготовке, переподготовке и повышению квалификации специалистов в сфере информационно-коммуникационных технологий на уровне международных стандартов:

Бакалавриат (ТУИТ):

- Компьютерный инжиниринг (со специализациями "Компьютерный инжиниринг", "ИТ-сервис", "Информационная безопасность", "Мультимедийные технологии");
- Программный инжиниринг;
- Телекоммуникационные технологии (со специализациями "Телекоммуникации", "Телерадиовещание", "Мобильные системы");
- Телевизионные технологии (со специализациями "Аудиовизуальные технологии", "Системы и приложения телестудий");
Бу, биринчидан, конструктив (ижобий) ва иккинчидан деструктив (салбий). Замонавий жамият нафақат демократлашиб бормоқда, балки унинг ижтимоий инфратузилмаси ҳам тубдан мураккаблашиб кетди. Фуқаролик жамиятини куриш учун бўлаётган жараёнларда конструктив интернет тармоғи ташкилот, идора, ўзини-ўзи бошқарув органларининг ўзаро алоқа муносабатларини тезлаштириб беради. Шунингдек, коммуникация технологияларининг тараққий этиши деструктив қайфиятни юзага келишига ҳам сабаб бўла бошлади. Инсон интеллектуал салоҳиятининг ошиши, бандлик, уй-жой, ижтимоий инфратузилма каби масалаларнинг доимо етарли ҳал этиш имкониятининг етишмаслиги деструктив тармоқ тизими келиб чиқишига сабаб бўлади.

XXI аср, "ахборот асри" бўлиш билан бирга, инсон онги ва тафаккурини ўзга ғоялар билан забот этиш асри эканлиги ҳам аниқ бўлиб борапти. Маълумки, ахборот хуружининг асосий нишони, объекти ёшлар ҳисобланади. Уларнинг қўлами эса йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бориши мутахассислар томонидан кўп эътироф этилаётган. Ахборот хуружини ташкил этувчи ва тарқатувчи асосий майдон — бу интернет тармоғи эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Табиийки, ёшлар катта авлодга нисбатан интернет тармоғининг энг кўп фойдаланувчи қатламидир. Замонавий жамиятда эса асосий тармоқ ҳисобланган ушбу воситадан воз кечш ёки уни умуман инкор этиш мумкин эмас. Ёшлар турли рекламалар ва айниқса, бир-бирларига бевосита таъсир ўтказиш натижасида интернет тармоғидан берилётган кундалик ахборотларга катта эҳтиёж сезилган. Кутубхона ҳамда китобхоналикка нисбатан бир неча марта қулай бўлган интернет тармоғи улар учун ахборотлар билан ишлашнинг энг яхши макони саналади. Аммо давомий ахборотлар билан ишлаш оқибатида, фойдаланувчи ўзи сезмаган ҳолда ахборот хуружига тушиб боради. Сабаби оддий, яъни ахборот истеъмолчиси бўлган ҳар бир фойдаланувчида ахборот билан ишлаш кўникмаси махсус шакллантирилма-

Унинг ёшлар онгига таъсири



ган.

Шу маънода, айрим педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлари бугунги кунда катта тажрибага эга бўлгани, ўқитиш тизими намунали йўлга қўйилгани билан ундаги илмий потенциал талаб даражасида ёки тадқиқот олиб бораётган илмий ходимларнинг кўрсаткичлари юқори бўлмаслиги мумкин. Бозор талабларига биноан эса натижа қўлга киритилган диплом билан эмас, эгаланган билим билан баҳоланади. Буни яхши англаган фуқаро, табиийки, олий ўқув юртининг даражасини ундаги сифат кўрсаткичлари билан баҳолайди. Бу сифатлар эса қуйидаги меъёрлар билан белгиланади:

- таълим муассасаси кутубхонасининг ҳажми (китоблар миқдори, унинг тарихий ва замонавий ҳолати, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер тизими ва бошқалар);

- мактабларда ўқув хоналари, олий ўқув юртларидаги кафедралар, ундаги профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти;

- нафақат олий ўқув юрти, балки факултет ва кафедларнинг халқаро даражадаги алоқалари ва олинган натижалари;

- интернетдан фойдаланадиган ёшларнинг, хусусан, ўқувчи ва талабалар сонининг динамик ортиб бориши ёки камайиш кўрсаткичи ҳамда уларнинг кейинги фаолиятларида эришадиган ютуқлари;

- хориздан таклиф этилган малакали педагоглар, мутахассислар, таниқли профессорлар ҳамда уларнинг олий ўқув юрти илмий ривожига ва таълим самарадорлигини оширишга қўшадиган ҳиссаси.

Бундан кўриниб турибдики, таълим муассасалари фаолиятини асосий мақсад иккита, яъни бир томондан, шахнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш бўлса, иккинчи томондан, иктисодиётнинг барча соҳалари учун малакали профессионал кадрлар тайёрлаш масалалари билан узвий боғлиқдир. Шундай экан, таълим хизмати маркетинги бир томондан, кадрлар тайёрлаш ишини йўналтириб борса, иккинчи томондан, ёшларнинг ахборотларни қабул қилиш ва таҳлил этиш масаласига ҳам масъул саналади. Президентимиз И.Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридега таъкидлаганидек, "Интернетни биз дўконга ўхшатишимиз мумкин, у ерда ҳамма нарса топа оламиз. У ердан ҳар бир инсон ўзига керакли нарсаларни олади. Агар биз ҳам интернетда керакли нарсаларни олишни ўргана оلسак, бизнинг юксак маънавиятли ёшларимиз онгига ҳеч қандай хуружлар таъсир эта олмайдми", деган гапларидан хулоса чиқариб олишимиз даркор.

З.ХЎЖАЕВА,
TATU талабаси,
Д.ЗАРИЙОВА,
"ТП" кафедраси ассистенти

Мултисервис тармоқлар

Канал ресурсларини блокланган сўровнинг қайтарилиш имконияти билан баҳолаш

Замонавий ахборот-коммуникация тизимларидаги алоқа хизматлари фойдаланувчиси фақатгина инсон эмас, балки тармоққа уланган, баъзи бир эҳтимоллик билан блокланган боғланишга уринишни амалга ошираётган қурим бўлиши ҳам мумкин. Абонент терминалларида, одатда, бир тутгани босиш билан чақириқни такрорлаш имконияти бор. Бу сўровнинг такрорланишини анча енгиллаштирилади, шу билан бирга, ушбу ҳодисага йўлдош бўлган салбий эффектларни кучайтиради. Ушбу шароитда анъанавий ҳисоб методикалари тармоқларни лойиҳалаштириш масалаларини ечиш учун яроқсиздир. Шубҳасизки, келадиган оқимдаги такрорланадиган сўровларнинг аҳамиятли қисмида, ҳар бир сўров янги чақириққа ўхшатишган ҳолатдаги йўқотишчи моделга асосан канал ресурсини баҳолаш зарур бўлган канал ресурси ҳажминини жуда ҳам катталаштиришга олиб келади. Тегишли моделларнинг мултисервис аналогларига ўтиш, уларни тадқиқот қилишда қийинчиликларни келтириб чиқармайди.

Куйидаги ишда натижалар келтирилган:

Моделнинг тавсифи.

Тармоқнинг асосий кириш параметрлари: n — канал ресурсларини ажратиш учун сўровлар оқимининг сони; c_j — келган сўровларга хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган бирлик ресурсларда ифодаланган j — линиянинг узатиш тезлиги ($j=1,2,\dots,J$).

Сўровларнинг келиши ва уларга хизмат кўрсатиш k — оқимини қуйидаги параметрлар тавсифлайди: μ_k — тушумнинг интенсивлиги; $1/\mu_k$ — хизмат кўрсатишнинг ўртача вақти; b_k — бир дона сўровга хизмат кўрсатишга зарур бўлган канал ресурсларнинг ҳажми; p_k — чақирилаётган қуримнинг чақири олинмаслик эҳтимоллиги; H_k — канал ресурсларнинг етишмаслиги ёки чақирилаётган қуримнинг чақири олинмаслиги туфайли сўровнинг такрорланиш эҳтимоллиги; $1/\sqrt{k}$ — бир абонентнинг кетма-кет сўровларининг такрорланиш оралигидаги ўртача вақти, $k = 1,2,\dots,n$.

Таҳлил қилинаётган ҳар бир оқимнинг сўровлар тушуми Пуассон қондасига бўйсун-

нади, уларга хизмат кўрсатиш вақти ва такрорий уриниш келишигача бўлган вақт эса тегишли бўлган параметрлар билан экспоненциал тақсимланишга эга деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир оқим учун канал ресурсларини ажратишга сўровларнинг келиш вақти бирламчи сўровлари ва боғланиши ўрнатиш учун фойдаланувчиларнинг муваффақиятсиз уринишидан бўлган такрорий мурожаатлар оқимини пуассон оқимининг суперпозицияси деб олиш мумкин. Бу билан кириш оқимининг структурасида пуассон ядроси ажратилган. У чекланмаган фойдаланувчилар сони билан яратилган кичик интенсивли сўровларнинг тушуми ва катта сўровлар тушумли тасодифий фойдаланувчилардан бўлган такрорий сўровлар оқими билан яратилади. Сўровларни такрорлайдиган фойдаланувчилар сони тармоқнинг ишлаш сифати билан аниқланади.

Киритилган кўрсаткичларни ҳисоблаш учун $p(j_1, \dots, j_n, i_1, \dots, i_n)$ қийматларини боғлайдиган статистик муайянлик тенгламалари тизимларини ҳисоблаш керак. Ҳисоблаш техникаси имкониятлари ўсиб

боришига қарамай, буни мултисервис модел учун амалга ошириш мумкин. Муайянлик тенгламалар тизимини сўровларга хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари орасидаги турли боғлиқликларни аниқлаш учун қўллаш мумкин. Улар мултисервис қисми моделга ўхшайди ва шу тариқа амалга ошади. Зарур ифодаларни келтираемиз. Кейинги формулаларни оsonлаштириш учун $\lambda_k v_k, k=1,2,\dots,n$ интенсивлик қийматлари бирга тенг бўлган деб ҳисобланган битта сўровга хизмат кўрсатиш вақти k — оқимига келган сўровларнинг сонидега ифодаланган.

Таҳлил қилинган мултисервис алоқа тармоғининг модели блокланган сўровнинг такрорланиш эҳтимоллигини ҳисоблаган ҳолда яратилган. Ишлаб чиқилган сўровларга хизмат кўрсатишнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш алгоритми блокланган сўровларнинг такрорланиш эҳтимоллигини шароитда канал ресурси ҳажминини баҳолаш методикаларини яратиш учун қўлланилиши мумкин.

Мақсуд ХОЛМАТОВ,
TATU магистри

uMail.uz

ЎЗИМИЗНИНГ ПОЧТА

Кўпчилигимиз асосан хориж электрон почта хизматларидан фойдаланиб келамиз. Яқинда Uzinfocom маркази Tas-IX тизимида жойлашган uMail.uz маҳаллий почтасини йўлга қўйди. Ушбу хизматнинг тезда оммалашиб кетиши кутилмоқда. Чунки ундан фойдаланганда ADSL технологияси ёрдамида интернетдан фойдаланувчиларнинг трафиғи сарflanмайди.



uMail.uz фойдаланувчилари учун 200 МБ хажмга эга почта қутиси таклиф этилмоқда. Почта спам ва вируслардан химояланган. Битта хатнинг максимал хажми 10 МБни ташкил этади.

Почта қутисига эга бўлиш учун ID.UZ ягона идентификация хизматидан рўйхатдан ўттиш керак. Ушбу тизимдан

рўйхатдан ўтаётганларга бир йўла uMail.uz почта қутиси хам таклиф этилади.

Тизим ишга тушганига энди уч хафтача вақт бўлди ва айни пайтга келиб 2200га яқин почта қутиси очилди. Мутахассисларнинг маълум қилишича, ўтган вақт мобайнида тизимда носозликлар юзага келмаган.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида кўплаб бепул почта хизматлари пайдо бўлиб, кейин-

чалик тезда ёпилиб кетди. uMail.uzнинг тақдирини хам шундай ҳолатга тушмайди, деган савол кўпчиликда тувилганди.


Uzinfocom мутахассисларининг эътироғича, ушбу почта хизматини йўлга қўйиш учун бир неча йил тайёрларлик қўрилган ва унинг келажакда яшаб қолиши учун замин хозирлаб қўйилган.

Хизмат хозирда рус тилида бўлиб, уни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари олиб бориляпти.

15-DARS. Sahifani alohida oynada ochish

Кўп hollarda, internet tarmog'idan foydalanish jarayonida bir nechta veb-saytlar bilan barobariga ishlashga to'g'ri keladi. Buning uchun tanlangan veb-sahifalarni alohida oynalarda ochish zarur.

- Zarur veb-sahifa bilan bog'lanish o'rnatilgan jumлага sichqoncha ko'rsatkichini olib keling.
- Jumлага sichqoncha o'ng tugmasini bosing.
- Paydo bo'lgan kontekst menyusidan Открыть в новом окне amalini bajaring.



Shundan so'ng yangi brauzer oynasi ochiladi va unga tanlangan sahifa yuklanadi.

16-DARS. Elektron pochta bog'lanishi

Veb-saytlarda sahifalarga va elektron resurslarga murojaat qilish bog'lanishlardan tashqari elektron pochtaga murojaat qilish giperbog'lanishlari ham mavjud. Elektron pochta giperbog'lanishlari jumlagi elektron pochta manzili ko'rinishida bo'ladi.

Veb-sahifadagi elektron pochta giperbog'lanishiga sichqoncha ko'rsatkichini olib boring va bosing, so'ngra brauzer sozlashlarida pochta dasturi sifatida ko'rsatilgan pochta klient dasturi ishga tushadi hamda Komu maydonida tanlangan elektron pochta manzili keltiriladi. Shundan so'ng xat mazmunini to'ldirib, elektron pochta orqali yuborishingiz mumkin.

Дарслар ТАТУ мутахассислари томонидан тайёрланган

Финалчиларга — домен ва хостинг

Қорақалпоғистон Республикасида "Келажак овози" иқтидорли ёшлар танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

"Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар" номинациясининг "Веб-ишланмалар" йўналишида энг яхши деб топилган уч номзод — Тимур Сапарбаев, Муҳаммадали Пердебаев, Айгул Тумановаларнинг веб-лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси компютерлаштириш маркази томонидан 1 йилга бепул домен ва хостингнинг расмийлаштириш учун сертификатлар топширилди.

INFO-ФАКТ

10 миллион

Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 2013 йилнинг биринчи чорағи яқунлари бўйича 10 миллион 89 мингтани ташкил қилди. Бу — юртимизда ҳар 3 кишидан бири интернетдан фойдаланишини англатади.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони шиддат билан ўсиб борапти. Виртуал тармоққа эътиборнинг ортиши интернетга кириш имкониятининг кенгайиши, халқаро канал умумий тезлигининг ортиши, маҳаллий интернет-платформаларнинг пайдо бўлиши ва техник имкониятларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Таққослаш учун (ўсиш суръати):

- 2006 йил: 855 минг фойдаланувчи.
- 2007 йил: 1 миллион 700 минг.
- 2008 йил: 2 миллион 15 минг.
- 2009 йил: 2 миллион 700 минг.
- 2011 йил биринчи чорақда: 7,5 миллион киши.
- 2012 йил биринчи чорақда: 9,1 миллион фойдаланувчи.
- 2013 йил бошида: 9,815 миллион.

Эътибор қаратган бўлсангиз, 2009-2011 йиллар оралиғида интернетдан фойдаланувчилар сонининг кескин ўсиши кузатилган. Бунинг асосий сабабларидан бири — мобил интернетнинг жадал суръатларда оммалашганидир.

INFO-XABAR

Интерактив хизмат

Интеллектуал мулк агентлиғи томонидан рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари реестри электрон шаклда жорий этилди. Ушбу реестр билан агентлик расмий веб-сайти(ima.uz)нинг "Интерактив хизматлар" қисмида батафсил танишиб чиқиш мумкин.

Электрон реестрда 1995 йилдан то ҳозирга қадар рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари киритилган ҳамда уларни рўйхатга олиш рақами ва санаси билан биргаликда, муаллифларининг исм-шарифлари тўлиқ келтирилган.

Шунингдек, агентлик томонидан рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари электрон реестрга рўйхатдан ўтказилиши билан киритиб борилиши йўлга қўйилди.

Болалар учун энг хавфли!

Аниқланганича, "ВКонтакте" ижтимоий тармоғида болалар ҳеч қандай муаммосиз беҳаё суратлар, видео контентлардан иборат гуруҳларга кириши мумкин экан. Бунинг Россиянинг "Касперский лабораторияси" мутахассислари аниқлашди.

Мутахассислар "ВКонтакте", "Одноклассник" ва "Мой Мир" ижтимоий тармоқларида тадқиқот ўтказишди. Бир ҳафта давомида ўтказилган тадқиқотлар орасида экспертлар 13 ёндаги болалар "ВКонтакте" тармоғида йетган гуруҳлари, хусусан, беҳасларига ҳам киришлари мумкин экан. Бундан ташқари, болалар ушбу тармоқда педофиللар билан ҳам мулоқотга киришиши, шунингдек, ахлқий зўрлаш ва қўриқтирилган

дуч келиши эҳтимоли катта экан.

"Одноклассник" ижтимоий тармоғида беҳаё гуруҳларга кириш имкони йўқлиғи аниқланди. Учинчи тармоқ — "Мой Мир"да умуман беҳаё контент йўқлиғи аниқ бўлди. Тадқиқот давомида яна шу маълум бўлдики, педофиллалар ушбу тармоққа деярли ташриф буюришмайди.

Ижтимоий тармоқларнинг хийласи шундаки, улар ўз ичларига хавфли контентларни олишади, шунингдек, болаларни "дўстлар" ниқобида фирибгар ва жиноятчиларга дуч келишлари мумкин.

Маълумотларга қараганда, бутун дунё бўйича ижтимоий тармоқларга болалар бир кунда 1,4 миллион марта ташриф буюредилар.

Гўзал ва сермазмун яшайлик!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали мажлислар залида 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиаллари бўлим бош-лиқлари, мутахассислари ва ишчи-ходимлари иштирок этдилар.

Бу кун Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан 1979 йилдан буён ўтказилиб келинади. Янги минг йилликда кашандаликка қарши кураш янада кучайтирилмоқда. Дунёнинг қатор мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам шу кунни ташкилот ва корхоналарда, ўқув муассасаларида турли маънавий-маърифий тадбирлар, шифокорлар билан учрашувлар уюштирилади. "Алкогол ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмолини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам чекишга қарши курашда ниҳоятда муҳим ҳужжат бўлиб, аввало, 20 ёшга етмаган фуқаролар саломатлигини тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсирларидан сақлашга қаратилгандир.

Мазкур қонун Давлатимиз раҳбарининг шу йўналишдаги бошқа ташаббуслари ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама уйғун қилиб тарбиялаш сифатида жуда ҳам ҳамоҳангдир. Баркамол ёшлар турли зарарли одатлардан мутлақо холи бўлишлари зарур. Ёшлар-

ни спорт ва jismonий тарбияга тортиш эса чекишдек иллатлардан узоқда бўлишларини таъминлайди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" каби спорт мусобақалари миллионлаб ёшларнинг спортга меҳр билан улғайишларига хизмат қилмоқдаки, бу узоқсиз хайрли тадбирлар шарофати билан қанчадан-қанча фарзандларимиз соғлом турмуш тарзини танламоқдалар.

Таассуфки, ер юзиде чекиш оқибатида келиб чиқадиган касалликларда ҳар йили 50 млн. одам ҳаётдан кўз юмаётганлигини билсалар-да, чекишни қанда қилолмай ҳар турли сабабларни рўқач қилаётганлар орамизда талайгина. Улар чекаётганларида тамаки тутунини билан атрофидагиларни, оила аъзоларини, ҳамкасбларини ўзларидан ҳам кўпроқ заҳарлашларини билмайдилар ёки билсалар-да, андак чексам ҳеч нарса бўлмайди, дея ҳам хаёлга борадилар. Шу тарзда "мажбурий кекувчи"ларни қўллаб қўлларга мубтало қилиб қўядилар. Ўзларининг ақлий ва jismonий қувватлари тобора пасайиб бораётганини сез-

салар-да буларнинг бари ижтимоий ҳаётда ҳам акс этса-да, бу зарарли одатдан воз кечолмайдилар. Ваҳоланки, иродани пойдор этиб, сабр-тоқат билан кашандаликни осонгина тарқ этаётганлар ҳам бор. Чекиш билан хайрлашганларнинг ранги-рўйи ҳам тезда аввалги чиройига қайтади. Нафас қисши каби асоратлар, тишлардаги ёқимсиз сариқ ранг ҳам йўқолади. Энг муҳими, оила аъзолари ва ишхонасидагилар олдида юзлари ёруғ бўлади. Ҳаёт янада гўзал ва янада мазмунлироқ бўлиб қолади.

Фарғона шаҳар болалар касалхонасининг жарроҳлик бўлими мудир Одижон Маҳмуджонов шу мазмунда маъруза қилди ва кашандаликдан халос бўлиш йўллари ҳақида фойдали маслаҳатларини берди.

Республика Саломатлик тиббий-статистика институти Фарғона филиали ОАВ бўлими бошлиғи Фариди Жўраева тадбир иштирокчиларининг репродуктив саломатлик, тўғри овқатланиш, эрта турмуш қуришнинг ва қариндошлик ниқоҳлари оқибатлари, соғлом турмуш тарзи талаблари тўғрисидаги қўллаб қўлларига жавоблар берди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ТАЛАБАЛАР УЧУН СЕМИНАР

Линия кабелларининг янги авлоди ҳақида

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида "Оптик алоқа линияларининг тузилиши" мавзуда семинар-машғулот бўлиб ўтди.

Филиалнинг информатика ва ахборот технологиялари йўналишида тахсил олаётган талабаларга "ЎЗИ-Қарши" филиали техник директори Абдуқохор Дўстқобулов ва бошқа малакали мутахассислар кўргазмали воситалар орқали тушунча беришди.

Семинарда мутахассислар вилоятда оптик алоқа кабелларининг қўлланилиши, унинг афзаллиги, ахборот узатишдаги самарадорлиги ҳақида ҳам маълумот беришди.

Талабалар ишлаб чиқариш амалиётлари даврида янги технологияларнинг ишлаш механизмлари, алоқа воситаларининг янги авлодлари, соҳага кириб келаётган янгидан-янги коммуникация технологияларининг афзаллик томонлари билан таниш эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ

ФАКТ

"Тилгамеш ҳақида афсона" — дунёдаги энг кўхна ёзма асар, у ерамиздан аввалги учинчи асрда ёзилган.



Болаларга берайлик дунёни!

Тошкент вилояти "TURON" ахборот-кутубхона марказида 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган "Болаларга берайлик дунёни!" номли байрам тадбири ўтказилди. Уни АКМ Ёшлар билан ишлаш шўъбаси мудир Д.Турсиматова очиб, болаларни байрам билан қутлади.

Сўнгра Ҳамза тумани "Ўрта масжид" маҳалласи диний, маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчиси М.Рўзалиева фарзандларимиз камолоти йўлида Ватанимизда олиб борилаётган хайрли ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида гапирди.

Тадбирда 206, 212-мактабларнинг ўқувчилари,

147-мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчилари ва Санъат мактаби ўқувчилари Ватанимизни ва баҳорни мадҳ этувчи шеър, кўшиқ ва рақслар ижро этишди.

"TURON" АКМ ходимлари томонидан "Болаларга берайлик дунёни!" мавзудаги адабиётлар тахлили ҳам ўтказилди.

"TURON" АКМда Тошкент вилоятидаги лицей ва коллежаларнинг ахборот-ресурс марказлари ходимлари учун "Обод турмуш йилида ахборот-ресурс марказларининг вазифалари" мавзуда семинар ташкил қилинди.

Маърузаларда республика миқёсида Тошкент вилоятидаги ахборот-ресурс марказларининг иш фаолиятларидаги ютуқ ва камчиликлар, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини замон талаби даражасига кўтариш учун нималарга эътиборни қаратиш лозимлиги ҳақида сўз юритилди. Семинарда марказнинг илмий-услубий бўлими мудир

Н.Омонкелдиева асосий мавзу — Обод турмуш йилининг мазмун-моҳиятига тўхталиб, "Обод турмуш йили Давлат дастури"нинг электрон шаклдаги тақдимотини намойиш этди. Ва дастурда режалаштирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари қатори АРМлар зиммасига тушадиган вазифалар, яъни ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда ўқув юртлари, маҳалалар ва корхона-ташкилотлар билан олиб борилиши керак бўладиган ишлар ҳақида тушунча берди.

Марказ директори ўринбасари А.Валиуллина эса фойдаланувчиларга ахборот ҳужжатларини турли қизиқарли замонавий усул ва шакллар орқали

тарғиб қилиш йўллари ҳақида тавсиялар берди.

Янгиёул шаҳридаги тиббиёт коллежи АРМ раҳбари М.Алимова марказнинг коллеж ҳақидаги, ўқув жараёнидаги ўрнига тўхталиб, АРМ ёш авлод таълим-тарбиясига адабиётлар, турли клуб ва тўғараклар ташкил этиш орқали ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Семинар якунида АРМ фаолиятидаги муаммолар муҳокама қилинди, уларга ечим топиш борасида бир тўхтама келинди. "TURON" АКМ илмий-услубий бўлими томонидан ишлаб чиқилган турли долзарб мавзулардаги услубий қўлланмалар электрон шаклда АРМларнинг иш фаолиятларида қўлланишлари учун тарқатилди.

Н.КОМИЛОВ,
"TURON" АКМ директори

Фикр

ОТА-ОНАЛАР ҲАЁТДАГИ КЎПЧИЛИК МУАММОЛАРГА ФАРЗАНДЛАРИНИ КУЗАТА ТУРИБ ЕЧИМ ТОПАДИЛАР.

Мурил СПАРК

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Учқўрпик ТБ ишлаб чиқариш бошлиғи Солижон АҲМЕДОВни 60 ёши, Фарғона ШТБ ходими Акмалжон МАМАТҚУЛОВни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга узоқ умр, фарзандлар бахту-ниқолини кўришни тилайди.

Самарқанд Радиотелевизион узатиш маркази жамоаси Чўпонота РТС ходимлари Норбек БЕРДИЕВни 50 ёшга, Ҳамроқул Қўлдошевни 55 ёшга тўлиши муносабати билан қизичи қутлайди. Уларга сийҳат-саломатлик ва узоқ умр, ишларида омадлар тилайди.

ЭЪЛОНИ

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Олимжон Шуқуруллаев номига 2012 йилда берилган 53205-12 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқоганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Ўздунробита" ХКнинг мулки савдога қўйилди. Бошланғич баҳоси — 600 млрд. сўм.



UNIVERSIADA
BUKHARA
2013
UZBEKISTAN



Салом ёшлик ва шижоат байрами!

Бухорода талабаларнинг "Универсиада-2013" мусобақаларига старт берилди.

Спорт байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган талаба ёшлар спортнинг 12та тури бўйича баҳсларга киришадилар. Бу мурокасиз баҳсларнинг қаерда ва қандай тартибда ўтиши барчани қизиқтириши тибий, албатта.

Энг асосий тур — енгил атлетика спорт мусобақалари ўтadиган "Бухоро" спорт мажмуаси "Универсиада" мусобақаларида 20 мингдан ортик талабани ўз бағрига олади. Бундан ташқари, 23 минг томошабинни ўзида бемалол сиздира олади-

ган мухташам стадионда бўлиб ўтadиган спорт баҳслари ҳақиқий байрамга айланиши муқаррар.

Баскетбол мусобақаларига Бухоро Давлат университетининг иккинчи спорт зали мезбонлик қилади. Волейбол спорт тури эса ушбу университетнинг очик ўйингоҳида ҳамда Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик техника институтининг иккинчи спорт залида ташкиллаштирилди.

Бухоро Олимпия спорт захиралари коллежи "Универсиада-2013" пайтида қўл тўпи мусобақаларини ўзида қабул қилади.

Сув спорти муҳлислари "Семур" спорт мажмуасига таклиф этилади.

Универсиада ўйинларида катта теннис баҳслари вилоят маркази-

даги "Дилқушо" теннис мажмуасида бўлиб ўтади.

Шахмат-шашка мусобақалари эса вилоят Ички ишлар бошқармасининг "Динамо" кўнгилли спорт жамияти мажмуасида ташкиллаштирилди.

"Универсиада-2013" баҳсларининг энг кўп ишқибозга эга дзюдо ҳамда кураш мусобақалари вилоят марказининг "Хумо" мажмуасида бўлиб ўтади.

Стол тенниси баҳсларига Бухоро нефт ва газ саноати коллежи мезбонлик қилади.

Бир сўз билан айтганда, Бухорои шарифда иккинчи бор ташкиллаштирилаётган "Универсиада-2013" ҳақиқий ёшлик ва шижоат тантанасига айланишига шак-шубҳа йўқ.

Оромгоҳ-2013: Мавсум бошланди

Мана, ёз нафаси ҳам уфиро бошлади. Мактабларда сўнги кўнгирак жаранглаб, болалар ёзги таътилга чиқишди. Уларни мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидаги оромгоҳлар кутмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Хайъати ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг 2013 йил 6 майдаги қўшма қарорида белгиланган тошириқлар бажарилишини таъминлаш натижасида, алоқа соҳаси тасарруфидаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари 2013 йил мавсумига белгиланган муддатларда тайёрланди. Ушбу масъулиятли жараёнга ҳар йилгидагидан ҳам жиддий ёндашилди.

Оромгоҳлар ҳудудларида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бинолар, хоналар, сув хавзалари тўла таъмирланди. Янги жиҳозлар ва анжомлар харид қилинди.

Белгиланган режага қўра, жорий мавсумда соҳа ходимларининг 6235 нафар фарзанди соғломлаштирилди.

"Ўзбектелеком" АК ТШТТ ва "ЎЗИ-Жиззах" филиаллари тасарруфидаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида 300 нафардан кам бўлмаган миқдорда Оролбўйи минтақасидан соҳа ходимларининг фарзанди соғломлаштирилиши режалаштирилган.

— Йиллар мобайнида тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, соғломлаштириш мавсумининг иккинчи ва учинчи навбатларида йўлланмаларга бўлган талаб ўзининг энг юқори нуқтасига етади, — дейди Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг маънавият-маърифат ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси Суннат Абдуғаниев. — Айнан иккинчи ва учинчи мавсумларга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш ва оромгоҳларга бўлган йўлланмалар бозорини кенгайтириш мақсадида марказий кенгаш веб-сайтга (tradeunionict.uz) бир қатор бошқа соҳалар тасарруфидаги оромгоҳлар ҳақида ҳам маълумотлар ва телефон рақамлари киритилди.

Болажонларнинг марокли дам олиши учун оромгоҳларда барча шароитлар яратилган. Айниқса, маданий ва маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Мавсум давомида турли тўғарақлар ташкил этилиб, бир қатор спорт мусобақалари ўтказилади. Марокли дам — сизга ҳамдам бўлсин, азиз болажонлар!



Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган "Алоқачи" 21 июндан, "Нилуфар" оромгоҳи эса 14 июндан биринчи навбатни бошлайди. "Ёш алоқачи" (Бухоро) ва "Алоқачи" (Қашқадарё) оромгоҳларида эса болаларни қабул қилиш бошланди.

Тўлиқ жадвал қуйидагича:

АЛОҚАЧИ	
Навбатлар	Даври
1	21 июндан — 2 июлгача
2	5 июлдан — 16 июлгача
3	19 июлдан — 30 июлгача
4	1 августдан — 12августгача

НИЛУФАР	
Навбатлар	Даври
1	14 июндан — 25 июлгача
2	28 июндан — 9 июлгача
3	12 июлдан — 23 июлгача
4	26 июлдан — 6 августгача

ЁШ АЛОҚАЧИ (Бухоро)	
Навбатлар	Даври
1	4 июндан — 15 июлгача
2	19 июндан — 30 июлгача
3	3 июлдан — 14 июлгача
4	

АЛОҚАЧИ (Қашқадарё)	
Навбатлар	Даври
1	5 июндан — 16 июлгача
2	19 июндан — 30 июлгача
3	3 июлдан — 14 июлгача
4	17 июлдан — 28 июлгача

АЛОҚАЧИ (Жиззах)	
Навбатлар	Даври
1	14 июндан — 25 июлгача
2	28 июндан — 9 июлгача
3	12 июлдан — 23 июлгача
4	26 августдан — 6 августгача

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ АКЦИЈАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзбектелеком" АК 2013 йил 29 июн куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-"а" уйда жойлашган компания биносининг мажлис залда бўлиб ўтadиган Акциядорларнинг умумий йиғилишига таклиф этади.

КУН ТАРТИБИ:

- "Ўзбектелеком" АК Акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АКнинг 2012 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АКнинг 2012 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АКнинг 2012 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АКнинг 2012 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АКнинг 2013 йилга аудиторини тасдиқлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АК Қузатув кенгашининг 2012 йил якунлари бўйича ҳисоботи тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АК Қузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АК Тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АК ва Хитой Тарақиёт Банки ўртасида кредит келишуви ва гаров шартномасини расмийлаштириш тўғрисида.
- "Ўзбектелеком" АК бosh директори билан тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш тўғрисида.

Акциядорлар умумий йиғилишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки уларнинг вакиллари нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши катнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00дан 11.00гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун реестр 2013 йил 30 май ҳолатига тузилган.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри 2013 йил 26 июн ҳолатига тузилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши билан боғлиқ ҳужжатлар билан Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-"а" уйда танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
239-23-81, 239-23-78, 239-23-55.

"Ўзбектелеком" АК Қузатув кенгаши

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Чирқоқи ТБ шаҳар телефон тармоғи муҳандиси Хамза Эшонқулловга онаси **Розия Йўлдошеванинг** вафоти муносабати чуқур таъзия билдиради.

ХАСБИ ХОЛ:

Фарҳод АЛИШЕРОВ

1988 йили Тошкент шаҳрида, ҳуқуқшунослар Жамилахон ҳамда Алишер Лутфуллаевлар хонадонида таваллуд топди. Қорақамишдаги 278-мактабни битириб, ТАТУнинг Иқтисодиёт ва бошқарув факултетига ўқишга кирди. 2008 йили олийгоҳ бакалавринини муваффақиятли тугатиб, тест синоваридан аъло даражада ўтган ҳолда Ўзбекистон билан Корея давлатлари ўртасида тузилган шартномага асосан ўқишининг қолган қисмини Кореянинг Хан Нам университетида давом эттирди.

Икки йил магистратура ва икки йил давомида докторантурада ўқиган Фарҳод устози Пак Пён Жу раҳбарлигида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Айни пайтда ТАТУнинг "Мултимедиа технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси.

Йигирма тўрт ёшли фан доктори

ТАТУ талабаларига сабоқ бермоқда



— Фарҳоджон, Корея Республикасида ўқиш қайси тилларда олиб борилади ва сиз дарсларни ўзлаштиришга қийналмадингизми?

— У ерда дарслар корейс ва инглиз тилларида олиб борилади. Менга эса ҳар икки тилни ҳам иштиёқ билан ўрганганим қўл келди — мутлақо қийналмадим. Тил билган эл билди, деган мақол бежиз пайдо бўлмаганлигига ўша ерда яна бир қарра амин бўлдим.

Ахборот технологиялари ривож бўйича Корея Республикаси дунёдаги энг илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, яшаш тарзини, урф-одатларини ҳам яқин. Шунинг учун республикамиз ҳукумати ўқишга, илм ўрганишга иштиёқ билан ёшларимизга Кореяда ўқишлари учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Бугунги кунда ёшларга инглиз тилини ўргатиш масаласи ҳукумат эътибори даражасига кўтарилди. Республикаимиз Президенти томонидан 2012 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган "Чет тилларини ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин далилидир. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида олийгоҳимизда ҳам бир қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди. Унга асосан янги ўқув йилидан бошлаб кўпгина дарслар инглиз тилида ўтилади. Мен ҳам ўз сабоқларимни 3-, 4-босқич талабаларига инглиз тилида олиб бораман. Ушбу қувончли дақиқаларни интиқлик билан кутишиман.

— Корейс талабаларидаги қайси жиҳатлар сизга ёқди?

— Аввало шуни айтишим керакки, у мамлакатда соҳани тор йўналишларга бўлган ҳолда, пухта ўрганишга катта аҳамият берилади. Масалан, мен у ердаги ўқишни

давомида мобил тармоғини ўргандим. Талаб шундай бўлдики, бу тармоқнинг тўла ўрганишга эришдим. Талабалар ҳақида гапирадиган бўлсак, корейс талабаларида бўш вақт деган нарсанинг ўзи йўқ. Улар керак пайтда кутубхоналарда кечалари қолиб ҳам мутолаа қилишади. Айтгандай, Кореяда кутубхоналар кечаси-ю кундузи ишлади ва ўқувчиларнинг оз муддат мизғиб олишлари учун шароит ҳам яратилган. Шунингдек, талабаларда дунё миқёсида танилишга иштиёқ кучли. Улар долзарб мавзудаги мақолаларини халқаро журналларда чоп этишга эришишга, нуфузли халқаро конференцияларда иштирок этишади. Шунингдек, улар ҳамма нарсани мустақил ўрганишга ҳаракат қилишади.

— Сизга доктор деб мурожаат қилишганида ўзингизни қандай ҳис этасиз?

— Бундай мурожаат қувонтиради, албатта. Эришган муваффақиятларим учун республикамиз ҳукуматидан, соҳамизнинг фидойи раҳбарларидан, қолаверса, ТАТУдаги устозим Мамлакат опа Махкамова, Кореядаги илмий раҳбарим Пак Пён Жулардан беҳад миннатдорман. Шунингдек, бу унвон катта масъулият ҳамдир. У мени доимо шу номга муносиб бўлишга, янада янги марралар сари интилишга чорлаб туради.

— Ҳақиқий дўстликни қандай тушунасиз?

— Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёнингда турадиган инсонинггина ҳақиқий дўст ҳисоблаш мумкин. Фикримча, ота-она, туғишганлардан яқинроқ инсон бўлмаса керак ҳаётда. Бу борада яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, ҳақиқий дўст топиш учун дўст қидираёт-

ганининг ўзи кимгадир ҳақиқий дўст бўла олиши керак.

— Бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?

— Футбол ўйнаш жону дилим. Дўстларим билан футбол ўйнаб, маза қилиб дам оламан. Компютер ўйинларини, илмий китоблар ва жаҳон адабиёти намуналаридан ўқишни ёқтираман.

— Оила қуриш ҳақида ҳам ўйлаясизми, доктор Алишеровнинг рафикаси қандай бўлиши керак?

— Худо хоҳласа, келаси йили уйланиш ниятидаман. Онажоним келин ҳам топиб қўйганлар. Рафикам, энг муҳими, мени ҳар қандай вазиятда тушунадиган, ота-онамни ҳурмат қиладиган яхши инсон, яхши она бўлишини истайман.

— Келгуси режаларингиз?

— Юртимизда ёш олимлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, мултимедиа бўйича Кореядаги каби ўқув илмий лаборатория очмоқчиман. У ерда энг илғорли талабалар билан машғул олиб бориш ниятим бор. Мақсадим — юртимиз талабаларини дунё миқёсига олиб чиқиш. Шунингдек, илм-фан билан шуғулланиш, мултимедиа ҳамда мобил технология бўйича китоб ёзиш ниятим ҳам бор.

— "Xabar" ўқувчиларига тилақларингиз?

— Улар доимо соғ ва омон бўлишсин. Аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатишдек эзгу ишларида муваффақиятлар, сабр-қаноат тилайман.

Муборак МИРКАМОЛОВА
сўхбатлашди

Холвайтар

Азиз ҳамкасблар, бугун мен сизларга катталар ҳам, болалар ҳам севиб истеъмол қиладиган таом — холвайтар тайёрлашнинг сирлари ҳақида баён қилмоқчиман.

Керакли масалликлар: 100 грамм ёғ (қўй ёғи ёки сариёғдан ҳам фойдаланса бўлади), 200 грамм ун, 200 грамм шакар, ярим литрдан ортиқроқ қайноқ сув.

Тайёрланиши: Қозондаги ёғ қиздирилади. Сўнг оловдан олиб, бир оз совутилади. Ёғга унни солиб, яна оловга қўйилади ва аста-секин аралаштириб қовурилади. Ун жиғаранг тусга киргач, эритилган шакар, қайноқ сув қўйилади ва яхшилаб аралаштирилади.

Унутманг, холвайтарни пиширишда олов пастроқ бўлмоғи лозим. Суяклик қизғиш тусга киргач, оловдан олиниб, тақсимчаларга сузилади.

Эътиборли бўлинг!

Халқ табobati борасидаги тавсияларим тери замбуруғидан қийналаётганлар учун асқотиши мумкин. Бундай замбуруғлар кўпинча оёқлар бармоқларига жойлашиб олишади. Даволанишда эса эътиборли бўлиш талаб этилади. Яъни, даво муолажаларини тўхтовсиз ўн кун давомида бажаришингиз керак. Муолажа қуйидагича амалга оширилади:

Товрога ярим қилиб илиқ сув қуясиз. Унга бир ошқошқандан туз ва ичимлик содаси солиб, яхшилаб эритасиз. Сувга оёқларингизни солиб, 15 дақиқа ўтирасиз. Сўнг оёқларингизни сувдан чиқариб, совуқ сувда ювасиз. Зарур бўлса муолажа мuddатини яна давом эттириш мумкин.

Гулҳебра
КЕНЖАОХУНОВА,
"Алоқалойиха" ДУК
ходими

<p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Абдуғали АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>																							
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чикади</p>		<p>"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-652 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 15415 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>																			
<p>Видеот муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>		<p>Бухорода 223-27-85</p>		<p>Гулистонда 40-12-19</p>		<p>Жиззахда 226-06-34</p>		<p>Навоийда 225-91-10</p>		<p>Наманганда 232-97-86</p>		<p>Нукусда 554-35-45</p>		<p>Самарқандда 233-61-81</p>		<p>Термизда 224-06-12</p>		<p>Тошкентда 288-40-66</p>		<p>Урганчада 226-37-16</p>		<p>Фарғонада 224-18-05</p>		<p>Қаршида 931-08-99</p>	